*СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ*

# 1991 ЙИЛГИ ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасида ваколатларни белгилаб қўйиш мамлакат бутун халқ хўжалигининг бюджети сифатида СССР Давлат бюджетини шакллантиришдан воз кечишни тақозо этди. 1991 йилги Иттифоқ бюджети федератив давлатнинг бюджети сифатида шакллантирилган ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга, унда бозор муносабатларини жорий этишга, шунингдек, мамлакатнинг етарли мудофаа қобилияти доктринаси талабларининг энг кам зарур даражадаги вазифаларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

## I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилги Иттифоқ бюджетининг даромадлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, маҳаллий хўжалик таркибига кирувчилардан ташқари, оладиган фойдага солинадиган солиқлардан, хорижий юридик шахсларнинг СССРдаги фаолиятидан оладиган даромадига солинадиган солиқлардан, даромадларга солинадиган солиқлардан ажратмалар;

божхона божлари, экспорт ва импортга юз фоиз миқдоридаги солиқ;

нефть ва газ саноати корхоналарининг рента тўловлари;

1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуғ заёми облигацияларини сотишдан 50 фоиз миқдорида ажратмалар;

маҳсулот, мол сотиш ва хизмат ҳажмидан 5 фоиз миқдорида сотувдан олинадиган солиқ, солиқ тушумларини камида 30 фоизи Иттифоқ бюджетига ўтказилади;

Иттифоқ бошқарувида турган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар фаолиятидан солиқдан ташқари бошқа тушумлар;

Умумдавлат дастурларини пул билан таъминлашга республикалар бюджетларидан ўтказиладиган маблағлар.

Республикалар ўз ваколатларига мувофиқ Иттифоқ бюджетига солиқ тушумларини камайтирадиган қонунлар қабул қилган тақдирда, республикалар уларни мутлақ миқдорда бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган тартибда қоплайдилар.

**2-модда.** Иттифоқ бюджети маблағлари 1991 йилда Иттифоқ идоралари бошқарувида бўлган халқ хўжалиги тармоқлари ишлашини ва ривожлантирилишини таъминлашга, ғоят муҳим тадқиқотлар ва илмий техник ишланмаларни, умумиттифоқ аҳамиятига молик ижтимоий-маданий ва экологик дастурларни, мамлакат мудофаасини пул билан таъминлашга, зарур молиявий захираларни вужудга келтиришга ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатларга сарфланиши белгилаб қўйилсин.

## II БОБ. ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ

**3-модда.** 1991 йилги Иттифоқ бюджети даромадлар бўйича 250.157.450 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**4-модда.** Иттифоқ бюджетида қуйидаги даромад манбалари бўйича тушумлар ҳисобга олинсин:

| | (минг сўм) |
|---|---|
| Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқ | 40.460.000 |
| Сотувдан олинадиган солиқ | 36.000.000 |
| Ташқи иқтисодий фаолиятдан келадиган даромадлар | 86.334.950 |
| Рента тўловлари | 16.500.000 |
| 1982 йилги давлат ички ютуқ заёми облигацияларини сотишдан ажратмалар | 1.074.500 |
| Йиғимлар ва солиқдан ташқари турли даромадлар | 16.436.000 |
| Товар-материал бойликларини қайта баҳолашдан тушадиган даромадлар | 9.000.000 |
| Геология-разведка ва геология-қидирув ишларига ажратмалар | 2.700.000 |
| Республикаларнинг бюджетларидан умумдавлат дастурларини пул билан таъминлаш учун бериладиган маблағлар | 41.652.000 |

**5-модда.** 1991 йилги Иттифоқ бюджети камомадининг энг юқори даражаси 26.663.149 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**6-модда.** 1991 йилги бюджетнинг камомадини қоплаш мақсадида СССР ҳукумати ва республикаларнинг ҳукуматлари давлат ички заёмларини ва бошқа қимматли қоғозларни келишилган миқдорларда чиқариш ва сотиш тартиби ҳақида қарорлар қабул қилсинлар.

Мазкур заёмлар ва қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағ Иттифоқ бюджетига ва республикаларнинг бюджетларига тенг улушларда берилсин.

**7-модда.** Транспорт воситаларининг ҳамда ўзи юрадиган бошқа машина ва механизмларнинг эгаларидан олинадиган солиқ 1991 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг даромадига қўшилади, деб белгилаб қўйилсин.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти корхоналари пассажирларни ташийдиган транспорт воситалари бўйича тўланадиган солиқдан озод қилинсин.

Шу муносабат билан СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Транспорт воситаларининг ҳамда ўзи юрадиган бошқа машина ва механизмларнинг эгаларига солиқ солиш тўғрисида»ги 1988 йил 21 март Фармонига (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1988 йил, 12-сон, 186-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин.

3-моддадаги «Иттифоқ бюджетининг даромади» сўзлари «маҳаллий бюджетларнинг даромади» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-модданинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти корхоналари пассажир ташийдиган транспорт воситалари бўйича».

**8-модда.** «Корхоналар ,бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунининг IV боби (26-модда бундан истисно), шунингдек СССР Олий Кенгашининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 5-банди амал қилиши 1991 йилда тўхтатиб турилсин.

СССР ҳукуматига хўжалик юритишнинг объектив шароитлари ўзгарган тақдирда: ҳарбий ишлаб чиқариш тинч соҳага кўчирилганида, кон-геология ва табиий-иқлим шароитлари, энергия таъминоти ва қувур орқали маҳсулот етказиб бериш жадваллари ўзгарганида, янги корхоналар, объектлар ишга туширилганида ва ўзлаштирилганида, қурилиш ташкилотлари ва корхоналари саноат қурилиши объектларидан ижтимоий соҳа ва деҳқончилик-саноат комплекси объектларига ўтказилганида халқ хўжалиги ва саноатнинг айрим тармоқлари учун, шунингдек ногиронларнинг ва меҳнат қобилияти чекланган кишиларнинг меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун; халқнинг турмуш даражасини оширишга оид марказлаштирилган тадбирлар ҳамда ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган кишиларга ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилганда; меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳақни тўлаганда истеъмол учун сарфланадиган маблағларнинг миқдорини белгилашнинг мазкур тартибига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

Истеъмолга ажратиладиган маблағ ҳажмини маҳсулот ҳажми билан мувофиқлаштириш мақсадида белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда барча корхона ва ташкилотлардаги мулкчилик шаклларидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси учун бу маблағлар товар маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда кўпайиши (камайиши) меъёрига қараб, бирга бир нисбатида аниқланади.

СССР ҳукуматига айрим тармоқлар учун истеъмолга ажратиладиган маблағ миқдорини белгилаш кўрсаткичлари ва тартибига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

Банкларнинг муассасалари 1991 йилда истеъмолга ажратилган маблағларни бериш вақтида корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу Қонуннинг мазкур моддасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан назорат қилсинлар.

## III БОБ. ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

**9-модда.** 1991 йилги Иттифоқ бюджети харажатлар бўйича 276 820 599 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**10-модда.** Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш харажатлари 45.742.001 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, шундан:

а) умумиттифоқ истеъмолчиларига сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва озиқ-овқат молларининг айрим турлари, шунингдек хом ашё молларининг баъзи турлари нархларидаги фарқни қоплашга 34.195.427 минг сўм.

б) геология-разведка ва геология-қидирув ишларига 2.700.000 минг сўм.

в) халқ хўжалигининг бошқа харажатларига 8.846.574 минг сўм ажратилсин.

**11-модда.** Ижтимоий-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга ажратиладиган маблағлар 19.645.057 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, шундан:

а) халқ таълими ва кадрларни касб-корга тайёрлашга 5.431.759 минг сўм;

б) соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга 3.204.427 минг сўм.

в) маданият ва санъатга 459.196 минг сўм;

г) оммавий ахборот воситаларига 1.656.875 минг сўм;

д) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга, шунингдек фуқароларнинг айрим тоифаларига пенсиялар тўлашга ва бошқа тадбирларга 8.892.800 минг сўм ажратилсин.

**12-модда.** Энг муҳим илмий тадқиқотлар ва давлат илмий-техник дастурларини пул билан таъминлашга 14.472,762 минг сўм маблағ ажратилиши тасдиқлансин.

**13-модда.** Хорижий давлатларга қарз бериш, олинган хорижий қарзларни тўлаш ва ташқи бозордаги бошқа қарзларни тўлашга оид харажатларни пул билан таъминлашга ажратиладиган маблағ 26.329.673 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**14-модда.** Хорижий давлатларга беғараз ёрдам беришга ажратиладиган маблағлар 400.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**15-модда.** Армия ва флот шахсий составини таъминлашга, қурол-яроғ ва ҳарбий техника харид қилишга, ҳарбий мавзудаги илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига, ҳарбий қурилишга, пенсиялар тўлашга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш дастурини амалга оширишга ва мудофаа учун бошқа харажатларга ажратиладиган маблағлар 96.562.846 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**16-модда.** Аҳоли фаровонлиги даражасини оширишга оид марказлаштирилган тадбирларни ўтказишга ажратиладиган маблағ 972.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**17-модда.** СССР Олий Кенгашини таъминлашга ажратиладиган маблағ 194.901 минг сўм миқдорида белгилансин.

**18-модда.** СССР Конституциявий назорат қўмитасини таъминлашга ажратиладиган маблағ 3.672 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**19-модда.** СССР назорат палатасини таъминлашга ажратиладиган маблағ 5.431 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**20-модда.** СССР Олий ҳакамлик судини таъминлашга ажратиладиган маблағ 1.760 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**21-модда.** СССР Олий судини таъминлашга ажратиладиган маблағ 2.563 минг сўм миқдорида ва махсус судларни таъминлашга ажратиладиган маблағ 5.602 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**22-модда.** СССР Прокуратураси идораларини таъминлашга ажратиладиган маблағ 475.529 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**23-модда.** СССР Ички ишлар вазирлигини таъминлашга ажратиладиган маблағ 5.602.500 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**24-модда.** СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасини таъминлашга ажратиладиган маблағ 4.948.649 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, ундан 2.200.000 минг сўми чегара қўшинларини таъминлашга сарфласин.

**25-модда.** Давлат ҳокимияти Иттифоқ ижроия-бошқарув идораларини ва давлат бошқаруви идораларини (ушбу Қонуннинг 17, 18, 19, 20-моддаларида кўрсатилгандан ташқари) таъминлаш учун ажратиладиган маблағ 1.696.250 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

СССР Президенти ана шу маблағ давлат ва хўжалик қурилиши бошқарувидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб, номма-ном тақсимлашни СССР Олий Кенгаши тасдиқлаши учун тақдим этсин.

**26-модда.** Давлат ички қарзи хизматига оид харажатларни маблағ билан таъминлаш 11.806.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

1989 ва 1988 йиллардаги СССР Давлат бюджети харажатлари учун вақтинча олинган умумдавлат ссуда фонди эркин қарз ресурсларини тўлаш муддатини (бу муддат 1991 йилда бошланади) 1996 йилнинг 1 январигача кечиктириш тўғрисидаги СССР ҳукуматининг таклифи қабул қилинсин.

**27-модда.** Тармоқ дастурларини таъминлашга ажратиладиган маблағ қуйидагича:

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатишга ажратиладиган маблағ 10.314.000 минг сўм миқдорида;

Орол бўйидаги экология вазиятини тиклаш ва у ердаги аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга ажратиладиган маблағ 900.000 минг сўм, ундан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига 135.000 минг сўм миқдорида;

Қрим татарларининг Қрим вилоятига қайтиши билан боғлиқ биринчи галдаги тадбирларни амалга оширишга ажратиладиган маблағ 200.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**28-модда.** Иттифоқ бюджетида СССР Президентининг резерв фонди 3.000.000 минг сўм, ундан фавқулодда вазиятларни маблағ билан таъминлаш учун 2.000.000 минг сўм миқдорида бўлиши кўзда тутилсин.

**29-модда.** Иттифоқ идоралари ихтиёридаги бошқа тадбирларга ажратиладиган маблағ 25.774.403 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**30-модда.** Сотувдан олинадиган солиқ жорий этилиши муносабати билан ижтимоий истеъмолчиларга тўланадиган товон пули қимматлашганлиги учун ажратиладиган маблағ 7.900.000 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

## IV БОБ. МАХСУС ҚОИДАЛАР

**31-модда.** 1992 йил 1 январигача давлат ички қарзининг энг юқори ҳажми 567.563.149 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

**32-модда.** 1992 йилнинг 1 январигача ССР Иттифоқи ташқи қарзининг энг юқори ҳажми эркин алмаштириладиган валютада 39.000.000 минг сўм миқдорида (СССР Давлат банки расмий курсига кўра) тасдиқлансин.

**33-модда.** СССР Молия вазирлигига 1991 йил 1 январгача товар моддий бойликларнинг амалдаги қолдиқларига асосланиб улгуржи ва харид нархлари ислоҳ қилиниши муносабати билан товар-моддий бойликлар қолдиқларини қайта баҳолашдан бюджетга тушадиган маблағ миқдорини аниқлаш топширилсин.

**34-модда.** СССР давлат банки, республикаларнинг марказий банклари ва тижорат банклари ушбу Қонунга мувофиқ Иттифоқ бюджетига даромадлар ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши учун жавобгар эканликлари белгилансин. Бюджет турларига кўра, Иттифоқ қонунида белгиланган тарзда даромадларни тақсимлаш бажарилмаган ёки мунтазам бузилган тақдирда банк муассасалари, хизматлари ва бўлинмалари раҳбарлари икки ойлик иш ҳақи миқдорида етказилган зарарни тўлаб лавозимидан четлатилади.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти**

**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль,
1991 йил 11 январь.

## *СССР Олий Кенгашининг Қарори*

**СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ТЎҒРИСИДА**

СССР Олий Кенгаши СССР Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Карлович **Пугонинг** СССР ички ишлар вазири этиб тайинланишига розилик берилсин.

**СССР Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *СССР Олий Кенгашининг Қарори*

**СССР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ТЎҒРИСИДА**

СССР Олий Кенгаши СССР Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, **қарор қилади:**

Ўртоқ Александр Александрович **Бессмертнихнинг** СССР ташқи ишлар вазири этиб тайинланишига розилик берилсин.

**СССР Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

**ЎРТОҚ В. М. ВЕЛИЧКОНИ СССР БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Владимир Макарович **Величко** СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

**ЎРТОҚ В. Х. ДОГУЖИЕВНИ СССР БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Виталий Хуссейнович **Догужиев** СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

**ЎРТОҚ Н. П. ЛАВЕРОВНИ СССР БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Николай Павлович **Лаверов** СССР Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

**ЎРТОҚ Ю. Д. МАСЛЮКОВНИ СССР БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Юрий Дмитриевич **Маслюков** СССР Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

**ЎРТОҚ А. А. БЕССМЕРТНИХНИ СССР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Александр Александрович **Бессмертних** СССР ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

**ЎРТОҚ Б. К. ПУГОНИ СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Борис Карлович **Пуго** СССР ички ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 15 январь.

*СССР Олий Кенгаши сессиясида*

# ЯНГИ МАҲКАМА ВАЗИРЛАРИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Айни пайтда Президент ўз иши билан ана шу йўлни амалга оширишга кўмаклашган кўп сонли дипломатларга, экспертларга, мутахассисларга, маслаҳатчиларга миннатдорчилик билдирди.

М. С. Горбачев фидокорона ижодий меҳнати учун Э. А. Шеварднадзе шанига миннатдорчилик сўзларини айтди.

У ташқи ишлар вазири лавозимига СССРнинг АҚШдаги ҳозирги элчиси А. А. Бессмертнихни таклиф қилди. Президент номзодни Иттифоқ парламентининг аъзоларига тавсия этар экан, унинг зўр маҳоратини таъкидлаб, у дунёқараши кенг ва юксак маданиятли киши эканлигини айтди.

А. А. Бессмертних ўз нутқида СССР ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллашни таклиф қилганлиги учун СССР Президентига миннатдорчилик билдириб, хусусан бу лавозимга Э. А. Шеварднадзе каби машҳур ва ажойиб ташқи ишлар вазиридан сўнг тайинланаётганидан ачиниш туйғуларини ҳис этаётганини айтди.

Янги тафаккур сиёсати, деди у сўнгра, мамлакатимиз учун уфқларни кенгайтирди, уни бутун дунё учун дўст давлатга айлантирди. Янги тафаккур сиёсати мамлакатнинг миллий манфаатларини тўла акс эттиради. Бундан буён бу сиёсат қандай бўлади? Бу саволга бошқача жавоб бўлиши мумкин эмас: янги тафаккур сиёсати давом этаверади, сақланиб қолади ва ривожланаверади.

Ҳозирги пайтда ташқи сиёсий ва ички сиёсий жараёнлар тобора кўпроқ чатишиб кетмоқда. Ташқи сиёсатнинг муваффақиятига ҳеч нарса мамлакатимиз ичидаги воқеалар каби кучли таъсир қила олмайди. Ички ва халқаро ҳуқуқнинг бир-бирига тўла-тўкис мос бўлиши мумкин эмас, албатта, аммо асосий қоидаларда битта йўлдан бориш керак. Янги сиёсатимиз инсон манфаатларини ҳимоя қилиши лозим. Мен Президентимиз ва мамлакатимиз сўнгги вақтда ўтказаётган сиёсатга тўла содиқман, чунки фақат шу сиёсат давлатимизнинг энг асосий манфаатларига бутунлай мос келади деб ҳисоблайман, деб таъкидлади А. А. Бессмертних.

Ушбу номзодни муҳокама қилиш чоғида ҳозирги шароитда бундай масъулиятли лавозимга профессионал дипломатнинг тайинланиши муҳим эканлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Саволларга жавоб қайтарилгандан сўнг Олий Кенгаш аъзолари А. А. Бессмертнихни СССР ташқи ишлар вазири этиб тайинлашга розилик бердилар.

Ички ишлар вазири лавозимига тавсия этилган Б. К. Пуго депутатлар ҳузурида сўзга чиқди. У Совет Социалистик Республикалари янгиланган Иттифоқининг қатъий ва эътиқодли тарафдори эканлигини, республикалар эълон қилган мустақилликни тушуниб, ҳурмат қилишини айтди. Бизнинг давлатимизда, деди у сўнгра, ички ишлар идоралари системасининг аниқ мақсадга қаратилган ва оқилона бирлиги таъминланиши лозим, лекин Иттифоқ ва республикалар вазирликлари ўртасидаги вазифалар аниқ фарқлаб қўйилиши керак.

Иттифоқ вазирлиги республикалар томонидан ваколат берилган вазифаларни бажариши лозим. Иттифоқ шартномаси ана шундай қарор учун асосдир. Республикалар жамоат тартиби ва хавфсизлигининг аҳволи учун, умумий жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, жазога маҳкум этилганларни қайта тарбиялаш учун тўла жавобгар бўлишлари лозим. Умумиттифоқ ва республика Ички ишлар вазирликлари идораларининг биргаликдаги фаолияти соҳасига чамаси уюшган жиноятчиликка, терроризмга, қорадорифурушликка, валюта билан жиноятларга ҳамда энг хавфли жиноятларнинг бошқа турларига қарши кураш кириши мумкин. Бизнинг шароитимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини миллий хонадонларга ажратиб юборишга йўл қўйиб бўлмайди. Нутқининг охирида у Ички ишлар вазирлиги идораларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, бу идоралар ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Ички ишлар вазирлиги ходимларининг қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш йўлида маҳорат билан дадил ва ишончли иш олиб боришлари учун шундай қилиш зарур.

Сўнгра Б. К. Пуго парламент аъзоларининг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди. Парламент аъзолари муҳокама тугагандан сўнг унинг СССР Ички ишлар вазирлиги раҳбари этиб тайинланишига рози бўлдилар.

Сессияда СССР Бош прокурори Н. С. Трубин сўзга чиқиб, депутатларга Литвадаги воқеалар муносабати билан ўзи бошчилик қилаётган маҳкаманинг ҳаракатлари тўғрисида ахборот берди. У Литвада СССР Прокуратурасининг 7 кишидан иборат вакиллар гуруҳи, шунингдек ҳарбий терговчилар гуруҳи ишлаётганлигини айтди. Аммо маҳаллий ҳокимият уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмоқда. Ҳозир биз улар билан ҳамжиҳатликка эришиш чораларини кўряпмиз, деди Бош прокурор. Литва республикаси ҳам ҳақиқат қарор топишидан манфаатдор деб ўйлайман.

Шундан сўнг сессия қатнашчилари аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги ССР Иттифоқи қонуни асосларини муҳокама қилишга яна — тўртинчи марта қайтдилар. Эслатиб ўтамиз, ўтган гал ҳужжатнинг малакани ўзгартириш чоғида нафақа тўлашга тааллуқли 27-моддаси баҳсларга сабаб бўлган эди. Аммо бу гал фикрлашиб олингандан сўнг мазкур модданинг комиссия, хукумат ва касаба уюшмалари таклиф этган варианти қабул қилинди ҳамда ушбу ҳужжат моддаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Кечки мажлисда асослар уни кучга киритиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда умуман қабул қилинди.

Олий Кенгаш аъзолари Н. И. Рижковни пенсия билан ҳамда моддий-маиший таъминлаш тўғрисидаги қарор учун овоз бердилар. Унга ойига 1200 сўм миқдорида шахсий пенсия тайинлашга, шунингдек умрбод фойдаланиш учун давлат боғ уйини бириктиб қўйишга қарор қилинди.

«Турли масалалар» деб аталган якунловчи бўлим ғоят қизғин ўтди. Унда Болтиқбўйи мавзуси катта ўринни эгаллади. Сўзга чиқиш учун ёзилган нотиқлар вазиятни таърифлаб, унга баҳо бериб ва тангликдан чиқиш йўллари ҳақида ўз фикрларини айтиб, турли-туман, баъзан бир-бирига қарши нуқтаи назарларни баён қилдилар.

Турли-туман баҳслар орасида бир неча асосий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Чунончи, парламентнинг бир қанча аъзолари аввало Литва ва Латвиядаги вазиятнинг кескин тус олганлиги учун масъулиятни фақат марказ зиммасига юклашга уриниб кўрдилар. Иккинчи томондан эса Олий Кенгаш аъзолари воқеаларни таҳлил этиб, жумҳуриятларнинг ўзларида юз бераётган ҳодисаларнинг сабабларини ва илдизларини очиб бердилар, бунда Иттифоқ раҳбар органларининг баъзан йўл қўйган хатоларини ва уларнинг позициясида изчиллик бўлмаганлигини таъкидладилар.

Латвиялик депутат А. К. Дандзбергнинг нутқи биринчи ёндашувга яққол мисол бўла олади. У Литвадаги воқеалар муносабати билан жумладан, агар воқеалар бундан буён ҳам шундай ривожланадиган бўлса, Латвия ва Эстония фуқаролари «навбатдаги қурбонлар» бўлади, деди. Депутат айтдики, Иттифоқ раҳбарияти Литвадаги маълум воқеаларнинг олдиндан белгилаб қўйилган йўл-йўриқлари мавжудлигини рад этаётганига қарамай, ана шундай йўл-йўриқлар мавжуд. Болтиқбўйидаги воқеаларни тайёрлаш вақти ҳам тасодифан танланган эмас, деб давом этди А. К. Дандзберг, чунки жаҳон халқлари ҳозир Форс кўрфазидаги муаммолар билан банд бўлиб қолганлар.

Латвиянинг мамлакат парламентидаги бошқа вакили — ригалик депутат А. М. Шамихиннинг фикри бунга бутунлай қарама-қарши. Унинг гапларига қараганда, Латвияда СССР қонунларини ва Президент фармонларини ҳеч ким бажармоқчи эмас. Бунинг устига, деди парламент аъзоси, «мамлакат давлат идоралари ҳам бу ишда қатъият кўрсатмаяпти». Нотиқ халқ фронтини, республика ҳокимиятини инсоннинг, аввало туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларнинг ҳуқуқларини бузишда айблади. А. М. Шамихиннинг фикрича, Латвия Олий Кенгаши шу кунларда республикадаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қодир эмаслигини кўрсатди.

Депутат Болтиқбўйидаги воқеалар муносабати билан айрим «халқ депутатлари ва ўртоқ Б. Н. Ельциннинг» хатти-ҳаракатлари унинг ғазабини келтираётганлигини айтди. Нотиқ Россия парламенти бошлиғининг ҳаракатларида «руслар тўғрисида, Иттифоқ ҳақида ғамхўрликни кўрмаяпман», «у русларнинг манфаатларига хоинлик қилмоқда» деди. А. М. Шамихин ўз фикрини тасдиқлаш учун далиллар келтириб қуйидагиларни таъкидлади. «Ельцин республикада нималар юз бераётганини яхши билмайди, одамлар қандай мақсадда яшаётганлигини, у жон куйдираётган демократия қандай тус олганлигини билмайди». «Болтиқбўйига бир неча бор қилган ташрифи чоғида, шу жумладан Латвияга ташрифи чоғида Ельцин туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларнинг номидан иш олиб бораётган бирорта жамоат ташкилоти билан учрашмади, ҳолбуки, «тенг ҳуқуқлилик» фракциясидан, ветеранлардан учрашиш тўғрисида бир неча бор таклифлар тушган эди...»

СССР халқ депутати, Латвиянинг Москвадаги доимий вакили Я. Я. Петерс «Латвия республикаси ҳар бир кишининг ҳаётини, ҳуқуқларини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун ўз мақсадларини фақат сиёсий усуллар билан, парламентаризм ва оқилона келишиш йўли билан амалга оширади ҳамда СССР марказий ҳокимияти ҳам шундай йўл тутишини кутади», деб ишонтирди. У Латвия республикаси Олий Кенгашининг «Латвия республикаси ҳудудида алоҳида мақсадларга мўлжалланган милиция отряди ва СССР Қуролли Кучлари жиноий фаолиятига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида» Латвия Олий Кенгаши қарорининг амал қилишини тўхтатиш ҳақида» 1991 йил 15 январда қабул қилган қарорини СССР Президентига, СССР Олий Кенгашининг Раисига, СССР Олий Кенгаши мудофаа ва хавфсизлик масалалари комитетининг раисига, шунингдек СССР мудофаа вазирига топширди.

Депутат В. А. Леончев Олий Кенгаш аъзоларини ишчи депутатлар гуруҳи йиғилишида тайёрланган мамлакат меҳнат жамоаларига ва меҳнаткашларига мурожаатнома билан таништирди. Мурожаатнома муаллифлари мамлакат учун ҳозирги қийин даврда барча меҳнаткашларни айрим сиёсатчилар даъват этаётган иш ташлашдан тийилиб туришга чақирганлар. Фақат меҳнат одамларнинг муносиб турмушини енгиллаштира олади, дейилади мурожаатномада.

Жанубий Осетиядаги аҳвол ҳам баҳсларга сабаб бўлди.

**(ТАСС).**

